

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 5-IYUN ■ SHANBA ■ 68 (27.243) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 28 май куни Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг охириги саммитидан буён бирмунча вақт — қарий бир йил ўтганини, бугунги кунда минтақада ва унинг атрофида рўй бераётган ўзгаришлар, мураккаб жараёнларни ҳар томонлама ва ҳолис муҳокама этиш ҳамда баҳолаш учун имконият туғилганини таъкидлади. Мазкур ташкилотнинг роллини янада кучайтириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш билан беvosита боғлиқ бўлган фикр-мулоҳаза ҳамда тақдирларини баён этди.

Биринчидан, минтақамиздаги ҳозирги аҳволга ҳолисона баҳо берадиган бўлсак, — деди И.Каримов, — шуни таъкидлаш жоизки, «Марказий Осиё ҳамкорлиги»га аъзо давлатлар илчил ривожланаётган, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш жараёни давом этаётган бўлишига қарамай, умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида, таъбир жоиз бўлса, стратегик ноаниқлик вазияти сақланиб қолмоқда.

Бугунги кунда минтақамиз жаҳон сиёсатида, бой табиий захиралар, минерал-ҳомашё ва, биринчи навбатда, углеводород ресурсларидан фойдаланишда ўзининг муҳим геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ва маъқеини сақлаб келмоқда. Бу ерда дунёнинг энг қудратли давлатлари ва бизга қўшни мамлакатларнинг манфаат-

лари уйғунлашаётгани, баъзан эса тўқнаш келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Айрим мамлакатларнинг бу минтақада ўз таъсирини сақлаб қолишдан манфаатдор эканликларига қарамай, уларнинг ўз олдига қўйган асл пировард мақсад ва вазифалари ҳали-бери тўла аён эмаслигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Ислам Каримов фикрини давом эттириб. Афсуски, минтақада ҳавфсизлик ва барқарорликка нисбатан ҳавф ҳамда таҳдид кучлироқ бўлмоқда. Террорчилик ва экстремизм қайта куч тўплаб, кўпурчилик фаолиятини яна жонлантирмоқда. Наркоагрессия ҳавфи қамаймапти, қўшни минтақаларда барқарорлик аломатлари сақланиб қолмоқда.

Бундай ҳолат минтақада вазиятнинг ривожланишини олдиндан кўра билиш ва белгилашда ноаниқлик ва мавқумликни вужудга келтиради. Бу эса минтақадаги ҳар қайси давлат ва халқлар манфаатларига таъсир ўтказмаслиги мумкин эмас.

Президент Ислам Каримов бугунги кунда энг долзарб, ғоят муҳим вазифа — нафақат бу борадаги умумий позициямизни, балки дунёда кучайиб бораётган ҳавф ва таҳдидларни инобатга олган ҳолда, минтақада юзага келаётган вазиятга мос чора-тадбирлар дастурини биргаликда ишлаб чи-

қиш зарур, деган фикрни олға сурди.

Марказий Осиёда ҳавфсизлик тизимларини шакллантириш ва интеграция жараёнининг ривожланиши масаласида эса халқларимизни, ушбу минтақада яшаётган барча одамларни ташвишлантираётган муаммолар, энг аввало, уларнинг ҳавфсизлиги, тинч ва барқарор келажагини таъминлаш масалаларини, жумладан, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва мамлакатларимиз ҳамда халқларимизнинг манфаатларига дахлдор бўлган бошқа муаммоларни ҳал этишни назарда тутидиган умумий сиёсий платформани биргаликда ишлаб чиқиш лозим.

Ҳаммамиз бир нарсани чуқур англаб олишимиз керак, деди Президент, минтақа ҳавфсизлиги муаммолари, ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш — буларнинг барчаси бизнинг келажакимизга дахлдор бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган масалалардир.

Шу маънода, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг минтақада кўп томонлама ҳамкорликни амалга оширишининг муҳим институтларидан бири сифатидаги аҳамияти кескин ошмоқда. Бугунги кунда унга дунёнинг етакчи давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг қизиқиши ортаётгани бежиз эмас.

Агар биз Марказий Осиё умумий бозорини босқичма-босқич шакллантиришга интилимиз ҳақида узиқил фикрга келсак ва бу ҳақда принципал қарор қабул қилсак, шунда бизнинг имкониятларимизга ва минтақамизга нисбатан қизиқиш янада, айтаётган бўлардимки, бекиёс даражада ортади, дея таъкидлади Президент.

Фикримизча, бундай бозор товарлар ва хизматлар, меҳнат ва сармоянинг умумий, йирик ва кенг бозори бўлиши керак. Тор миллий чегараларга бўлилмаган мана шундай бозорга иқтисодиётнинг барча тармоқларига катта ҳажмдаги инвестициялар оқими барқарор жалб этиш учун имкон яратлади.

Айни вақтда иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологияга доир умуминтақавий вазифаларни ҳал қилиш, жаҳон ҳўжалик тизимида Марказий Осиёнинг ўзига хос афзалликларидан оқилонга фойдаланиш учун самарали механизмларни шакллантириш зарур. Биз Марказий Осиё кўпчилик давлатларнинг манфаатлари жамланганидан, баъзан эса тўқнаш келаётган минтақага айланган қолгани тўғрисида кўп гапирамиз, аммо бунинг сабаблари ва омилини ҳусусида ҳар доим ҳам изоҳ беравермаймиз.

(Давоми 2-бетда.)

ПОЙТАХТ ТРАНСПОРТИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Бугун Тошкент кўчаларида юрсангиз аввалгидек узоқ вақт автобус кўтиш, вақт йўқотиш, ортиқча асаббузарлик ва овозгарчиликка дуч келмайсиз. Эрта тондан ярим тунгача кўчаларда транспорт қатнови узилмайди. Истиклол шарофати билан хориждан энг замонавий, барча қулайликларга эга сўнгги русумдаги автобуслар келтирилди. Улар пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратиб, ўз вақтида бе-миннат хизмат қилмоқда. Ана шундай жамоалардан бири «Тошшаҳарйўловчитранс» тасарруфидagi 8-автобус саройи ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда 560 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Мазкур автопарк автобуслари шахримиз бўйлаб 13 йўналишда ҳаракатланади. Автосарой ҳовлисига кирсангиз дилингиз яйрайди. Тоза-озода, шинамгина ошхона, дам олиш хонаси, мўъжазгина спорт майдони ҳамда ҳовлидаги кичкинагина бог ҳайдовчи ва ишчи-хизматчиларга мўлжалланган. Бу ерда 200 дан зиёд замонавий автобуслар бўлиб, уларга шу ернинг ўзига техника хизмат кўрсатилиб, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланади.

— Биз халқимизга хизмат кўрсатаётганимиздан жуда мамнунимиз, — дейди автосарой директори ўринбосари Азимжон Иргашев. — Ойлик режаларини бажариб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган ҳайдовчилар 100 минг сўмдан 200-250 минг сўмгача маош олишмоқда. Ҳайдовчилар махсус кийим билан таъминланган, улар эрталаб хизматга чиқаётганларида, албатта, шифокор кўригидан ўтказилади, соғлиги, кийимлари ҳатто кайфияти ва руҳий ҳолати ҳам текширилиб, улардан йўловчиларга маданиятли хизмат кўрсатиш қаттиқ талаб этилади...

Унинг айтганларига яна бир мисолни қўшимча қилиш мумкин: автосарой жамоаси пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйини оталиққа олган.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ



Автосарой ҳайдовчилари: (чапдан ўнга) Саидхамд Асқаров, Муҳаммаджон Тожибоев, Абдихалим Данрабоев, Ҳасан Ғофуров, Равшан Камолбоев. Автосаройнинг ёнилғи қўйиш шаҳобчаси.

Шаҳмат АКРАМОВ олган суратлар

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz

XALQ BANKI
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси хавфсизлик кенгаши котиблари Игор Иванов, Булат Утемурадов, Амирқул Азимов, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Мухаммад Қосималиев ва Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнини қабул қилди.

Меҳмонлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммити арафасида Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун Тошкентда йиғилди. Мамлакатимиз Президенти хавфсизлик борасида давлат раҳбарлари даражасида қўриладиган кўплаб масалалар

бўйича қарашлар ва ёндашувларни ўзаро мувофиқлаштириш учун қўлай имконият яратган бу учрашув томонларнинг умумий манфаатлар йўлидаги интилишларини яна бир қарра тасдиқлаганини таъкидлади.

ШХТ доирасидаги муносабатларда хавфсизликни мустаҳкамлашдаги ҳамкорликни ривожлантириш долзарб ма-

салалардандир. Шу нуқтаи назардан қараганда, саммит арафасида беvosита шу соҳага мутасадди вакилларнинг бир жойга йиғилиши, ўзаро фикр алмашиши муҳим воқеа.

Меҳмонлар қабул учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон илгари сураётган тақдир ва ташаббуслар ШХТни ривожлантиришда муҳим омил бўлишига барча аъзо давлатлар қатъий ишоничини таъкидладилар.

Учрашувда ШХТ саммитига тайёргарлик ва минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ КОТИБЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йил 3-4 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.



Учрашувда Қозоғистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби Б.Утемурадов, Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнин, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари М.Қосималиев, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби И.Иванов, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Р.Мирзаев иштирок этди.

Мажлис Ўзбекистон томони раислигида ўтказилди.

Учрашув қатнашчилари ШХТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органларини ўз бошлагач, ташкилот ўз тараққийотининг янги босқичга қадам қўйгани — турли соҳаларда амалий ҳамкорлик кенгайиб, чуқурлашиб бораётганини таъкидладилар. Булажак Тошкент саммити ШХТнинг янги имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини белгилади, унинг хавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги маъқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Учрашув давомида халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ШХТ ҳудудидида ва унга қўшни минтақаларда вазиятнинг ривожланишига оид долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

ШХТга аъзо мамлакатларнинг халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси, оммавий қирғин қурол-

лари тарқалиши хавфи, ёлланмачилик ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид соладиган бошқа иллатларга қарши курашдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув қатнашчилари дунёда террорчиликнинг фаоллашуви ўз жинсий фаолиятида ёвуз ва макорона услубларни тобора кўпроқ қўллаётган халқаро террорчилик ташкилотлари кучини қайтадан тўплаётганидан далалат беришини қайд этдилар.

Бундай шароитда ШХТга аъзо мамлакатларнинг янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш йўлидаги сайёҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамият касб этди. Учрашув иштирокчилари халқаро террорчилик ва айирмачилик, экстремизм ва ақидадарастлик ғояларига қарши курашда ШХТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқтартибот органлари, махсус хизматлари ва бошқа тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ягона ёндашув ва қўшма дастурларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Мазкур вазифаларни бажариш ШХТнинг Тошкентдаги Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси амалий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этди.

Учрашув давомида иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақада интеграция жараёнини жадаллаштиришда ШХТнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш зарурлиги қайд

этилди. Зеро, бу ШХТга аъзо мамлакатларда ва, умуман, минтақада тинчлик, барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Учрашув иштирокчилари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш бўйича ижобий жараёнларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Афғонистоннинг марказий ҳукуматида иқтисодиётни тиклашда амалий ёрдам кўрсатиш, ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнига жалб этиш унинг ҳудудидан чиқаётган ва халқаро барқарорлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солаётган иллатларни бартараф этишда муҳим омил бўлиши мумкин.

ШХТнинг бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорлик қилиши зарурлиги борасида яқдил фикр билдирдилар.

ШХТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди. Бундай учрашувларни ўтказиш Тартиби таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари ШХТнинг Тошкентда 2004 йилнинг бошидан буён фаолият кўрсатаётган Минтақавий ақсилтеррор тузилмасининг Ижроия қўмитасида бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ШХТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларини қабул қилди.

САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) Тошкент саммитига тайёргарлик қилиш ва уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

Уни Президентнинг матбуот котиби Рустам Жумаев бошқарди.

16-17 июнь кунлари Тошкент жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлади. ШХТ саммити чоғида нафақат ташкилот доирасидаги учрашувлар, балки қатор икки томонлама мулоқотлар ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, саммит арафасида ХХР раиси Ху Цзинтаонинг мамлакатимизга

давлат ташрифи бўлиб ўтади.

ШХТ саммитида унинг аъзолари бўлган Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан ташқари, Афғонистон ва Мўғулистондан ҳам давлат раҳбарлари қатнашиши кутилмоқда.

Саммит тадбирларини ҳар томонлама ва кенг ёритишга қулайлик яратиш мақсадида юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот маркази ташкил этилди. Марказ учун юзга яқин журналист фаолият кўрсатиши учун барча зарур замонавий техника ва телекоммуникация воситалари билан таъминланмоқда. (ЎЗА)

DETUR IPAK YO'LI TURIZM
Хўшхабб маскан
Яхши ҳорғиқ омили
АНТАЛИЯГА ҲАР УН КУНДА
ИЮНДАН БОШЛАБ ЧАРТЕР ҚАТНОВЛАРИ
Маъбул нархаар ва чегармаар
Бизга ёки сайёҳлик агентликларингизга қўнироқ қилинг:
Тел: + (998-71) 134-98-60, 134-99-13. Факс: + (998-71) 134-98-93.
E-mail: info@deturipak.uz
Ўйини, Тошкент, А.Тоқуқ қўчаси, М-4.
«Дедетан Свизс Ҳотел Тошкент» меҳмонхонаси

ЎЗБЕКISTON — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИАТИ
ҚўШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДА
«Frat Plastik» (Туркия) фирмасининг
айланаси 20 дан 63 мм.сана бўлган соғуқ
ва иссиқ сув, иситиш тизими учун
позиционлен турбуларини (PPRC 3-тип)
ва турли хил фитингларини сотади.
Товар сертификатланган.
Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49. Email: jysilroad@inbox.ru

ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Вахонки, сўнги йилларда дунёдаги йирик мамлакатларнинг Марказий Осиёга жиддий эътибор қаратаётгани кўпчилик учун, айниқса, давлат раҳбарлари учун сир эмас. Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда умумий бозорни яратиш мақсадлари ҳақида гапирар экан, бу борадаги энг асосий вазифаларни таъкидлаб ўтди:

Марказий Осиё минтақаси беҳад бой бўлган табиий, сув-энергетика, минерал-ҳомашё ресурслари ва инсон салоҳиятидан мазкур бозорга кирувчи ҳар бир мамлакат манфаати йўлида оқилона фойдаланиш ва бу ишни тақомиллаштириш;

қўлай инвестиция муҳити ва минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш борасида яна ёндашув ва стратегияни шакллантириш.

Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этишдан асосий мақсад — МОХ ташкилотига аъзо давлатларнинг жаҳон ва минтақа бозорларидаги ялпи рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига ушбу мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва иқтисодий ётнин жадал ривожлантиришдан иборат.

Ўйлаётганимиз, бу фикрни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деди Ислоҳ Каримов. Чунки ҳар бир мамлакат жаҳон бозорига ўз товарларини олиб чиқиш жараёнида жиддий муаммолар ва тўсиқларга учрайди. Умумий бозорни яратасан, бозоримизнинг ҳам, товарларимизнинг ҳам дунё ва минтақа бозорларидаги ялпи рақобатбардошлиги сезиларли даражада ошади.

Табиийки, бу ташаббуснинг амалга оширилиши муайян вақт талаб қилади. Дунёнинг бошқа минтақаларида шунга ўхшаш интеграция тузилмалари яратиш учун 40-50 йил керак бўлган. Глобаллашув жараёни жадаллашган ҳозирги шароитда бунча кўтиб туришга бизнинг вақтимиз йўқ.

Давлатимиз раҳбари умумий бозорни жорий этиш учун урта асосий босқичдан ўтиш зарурлигини таъкидлади.

Биринчи босқичда тарифларнинг ягона, ўзаро мослаштирилган ва мақбул тизимини назарда тутувчи Божхона иттифоқини шакллантиришга ҳамда транспорт-транзит масалаларини ҳал этишга киришиш мумкин.

Иккинчи босқичда муайян чораларни қабул қилиш асосида Эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги мавжуд битимни реал мазмун билан тўлдирish имконияти вужудга келади. Шу тариқа бу ҳужжат, ниҳоят,

ишга тушиши ва амалий натижа беришини таъминлаш мумкин бўлади.

Ва ниҳоят, учинчи босқичда биз Марказий Осиёнинг том маънодаги умумий бозорини таъсис этишимиз мумкин. Унда сармоё ва иш кучининг эркин ҳаракатланиши учун шароит яратилади, соғлом рақобатни рағбатлантиришнинг антимонопол бошқарувини вужудга келтиришнинг ягона механизми яратилади.

Бу мураккаб йўлда қўллаб-қўллаб туриш ва субъектив, айтиш мумкинки, турли амбициялар билан боғлиқ қўйинчиликларга дуч келишимиз мумкинлигини тан олишимиз керак. Бой имкониятларга эга минтақамизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш йўлидаги вазифаларни ечиш учун бу муаммоларни енгил ўтишимизга тўғри келади, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Ишончим комилки, фақат «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига на умумий бозорни ташкил этишнинг асоси сифатида хизмат қилиши мумкин ва хизмат қилиш шарт, деган фикрга ҳамма қўшилади. Лекин бунинг учун унинг мавжуд тузилмаларидан фойдаланиш имкониятини чуқур ўрганиб чиқиш, уларнинг вазифаларини белгилаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини аниқлаш талаб қилинади. Ана шу тузилмалар негизда янги мувофиқлаштириш ва бошқарув органларини шакллантириш мумкин.

Шу муносабат билан мамлакатларимиз ҳуқуқларига умумий бозор концепциясини тайёрлаш топширигини беришни тақлиф этаман, деди давлатимиз раҳбари. Умид қиламанки, ташкилотнинг навбатдаги саммитида тегишли Қўшма декларацияни қабул қилиш мумкин бўлади.

Ҳаммамизнинг эътиборимизда бўлиши керак бўлган иккинчи масала — бу минтақа хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мамлакатларимизнинг ялпи, барқарор ривожланишига эришиш концепциясидир. Бу — Марказий Осиё ҳудудига қирмайдиган, аммо унинг тараққийидан манфаатдор бўлган етакчи мамлакатлар ва халқлар ташкилотлар билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш демакдир. Яна бир бор таъкидлаш керакки, минтақамиздаги мавжуд захиралар ва салоҳиятни рўйбога чиқаришда етакчи давлатлар билан ўзаро манфаатли ва минтақамиз учун ниҳоятда фойдаланарли муносабатларни мустақамлашдан манфаатдор бўлишимиз ва бунинг учун барча чораларни кўришимиз даркор.

Бу ерда гап ташкилотимизнинг айри тартибларида қатнашган кузатувчилар ҳақида кетаётгани йўқ. Ай-тиш мумкинки, амалий ҳамкорлик қилишдан кўра мониторинг олиб бо-

ришни, кўпинча эса ақл ўргатиб, ўз йўлига солишни хуш кўрадиганлар доимо топилади.

Биз Марказий Осиёда минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантиришда иштирок этишга амалда интилаётган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг механизмини ишлаб чиқишни тавсия этамиз.

Бизнингча, деди Ислоҳ Каримов, бу ерда минтақамизни ривожлантиришда Россия Федерацияси алоҳида муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. У Марказий Осиёдаги геосийсий ва геокўтисодий жараёнларда доимо муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Шимолӣ қўшнимизнинг минтақамиздаги узоқ муддатли стратегик манфаатларини ва унинг минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорлиқни таъминлашдаги ўрнини эътироф этиш борасида барчамиз ҳамфикрмиз, десақ, хато бўлмайди.

Минтақа мамлакатлари билан барча соҳаларда кенг ривожланган муносабатларга эга бўлган айнан Россия давлати МОХ ташкилотининг ишончли шериги бўла олади. Бугунги мажлисимизда Россиянинг мазкур ташкилот фаолиятида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилиниши унинг ишида янгилаш, бурилиш нуктаси бўлади, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Узоқ йиллар давомида Афғонистондаги вазият тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиб келди, деди Президентимиз. Бугун бу мамлакат жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турганлиги боис минтақани ривожлантиришнинг ўзига хос омилга айланиши мумкин. Шу сабабли ҳам мамлакатларимизнинг салоҳиятини Афғонистон иқтисодий ётнини тиклашга жалб этишимиз учун бугун барча асослар бор.

Яқинда Бишкекда ўтган кенгаш ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича мамлакатларимизни бирлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Биз бу имкониятларга етарли баҳо беришимиз керак. Бу аввало қўрилиш санъатини, Афғонистон иқтисодий ётнини тиклашга ёрдам берувчи соҳаларни ривожлантириш демакдир. Мамлакатларимизнинг Афғонистонни тиклаш лойиҳаларини амалга оширишдаги иштироки бўйича МОХ ташкилотининг қўшма ва мувофиқлаштирилган дастурини ишлаб чиқиш вазифаси тобора долзарблик касб этмоқда.

Тўхталиб ўтишимиз зарур бўлган охириги муҳим масала — бу «Ҳизбут таҳрир» сингари экстремистик гуруҳларнинг мамлакатларимиздаги фаолиятига доир муаммолардир, деди Ислоҳ Каримов. Биз уларга қарши

курашда ўз фаолиятини «тинч», «беозор» услублар асосида ташкил этишдан экстремистик ташкилотлар дунёда ўзи бўлиши мумкин эмаслигини чуқур англаган ҳолда ҳаракат қилишимиз керак. Бугунги кунда орамиздаги айрим дўстларимиз ниҳоятда хавфли бўлган ушбу кучга қатъий қаршилик кўрсатишдан ўзини четга олиш мақсадида масаланинг шу жиҳатидаги айрим дўстларимизни ниҳоятда ажаблантиради.

Яна бир бор таъкидлаш керакки, биз нафақат террорчилик билан, бегуноҳ одамларни портлатаётган ва ўлдирётган ёки гаровга олаётганлар билан курашмоғимиз лозим. Бу биз террорчилик, деб атаётган «найзанинг» учини, холос. Бу «найзани» яратаётган, унга замин туғдираётган, ёшларнинг онгини заҳарлаб, террорчига айлантираётганлар ким? Бир жиддий мақолада айтилганидек, бугунги кунда шундай бир конвейер яратилганки, унда қандайдир афсонавий ақида учун, нариги дунёда жаннатга эришсан, деган сафсатага учиб ўзини нобуд қилишга ҳозир турган одамлар тайёрланади.

Бундай ёвуз хатарга бефарқ қараш, йўл қўйиб бериш мутлақо мумкин эмас.

Бу разил кучлар мамлакатда давлат бошқарувининг дунёвий, конституциявий тизимига нисбатан нафрат ва адоват, гаразгўйлик гоёсини тарғиб қилади. Буларнинг барчаси охири-оқибатда зуравонлик ва террорчиликни келтириб чиқариши мукаррар, улар билан «ўйин» қилиш ўз хавфлидир, деди Президент.

Шу сабабли, ёшлар экстремистик гоёларга берилиб кетишининг олдини олиш мақсадида МОХ ташкилотини давлатларнинг хуқуқни химоя қилиш, таълим-тарбия ва ижтимоий-сиёсий тузилмалари савий-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизминини ишлаб чиқиш вақти етди, деб ўйлайман.

Бизнингча, МОХ ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳуқуқларига ҳам бу вазифани ечиш топширигини бериш мақсадида мувофиқдир.

Халқларимиз, бугунги замон биздан ҳамкорлик ва минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантириш талаб этмоқда, деди Ислоҳ Каримов.

Бугун муҳокама қилинаётган масалалар борасидаги биргаликдаги ҳаракатларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон МОХ ташкилоти доирасидаги кўп қиррали ва самарали муносабатларни ривожлантириш учун ўзига боғлиқ барча ишларни амалга оширишга тайёрдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Булунгур туман ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда дастлаб ўтган беш йил мобайнида партия ташкилоти томонидан олиб борилган ишлар ҳисоботи тинланди.

— Туманда амалга оширилган ишлар ҳақида, бунёдкорлик ишларида Халқ демократик партияси туман кенгаши ҳамда партия аъзоларининг ҳам ҳиссаси бор, — деди маърузачи ХДП туман кенгаши биринчи котиби Турсун Йўлдошев.

Ҳисобот даврида 2563 кишилик партия сафига яна 300 дан зиёд аъзолар қўшилган. Шунингдек, партия сафидан жихатдан ўсиш баробарида гоёвий, сиёсий жиҳатдан ҳам чиникди. Халқ де-

мократик партияси аъзолари туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзларининг дадил фикр ва гоёлари билан иштирок этиб келмоқдалар.

Конференцияда ўз фаолиятида суқташликка йўл қўяётган бошланғич партия ташкилотлари танқид остига олинди.

Муҳокамаларда сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси А.Саримсоқов, туман «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбари Х.Қосимов, «Машъал» фермер ҳўжалиги раиси Н.Бердирёвлар Булунгур ту-

ман партия ташкилотининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериб, сайловлар йилларида вазифалар ҳақида гапирдилар. УаХДП Булунгур туман кенгаши биринчи котиби Т.Йўлдошев қайта сайланди.

Конференция ишида туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Х.Боймуродов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Х.Нормуродов, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Н.Исобековлар сўзга чиқдилар.

Шўхрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

СИЁСАТ МАЙДОНИДА КИММИЗ?!

Демократияни англашнинг муҳим мезонларидан бири — партиявийликка муносабат билан белгиланади. Бу сиёсий тушуна. Аммо гап партиявий эътиқод ҳақида бораётган даврда бу фикр мантиқ билан оҳорланиб, таъсирчанлик касб этади. Эеро, бугунги кўппартиявийлик шароитида ва айнан жамият ҳаётида муҳим сиёсий кампания — сайловлар арафасида ўтаётган тадбирлар эътиқод тушунаси билан боғланиши табиий. Сабаби — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ишларни интилишларимизга тўсқин қўймоқчи бўлаётган хавфли, глобал иллат — терроризм ҳам маълум маънода эътиқод суқтилининг оқибатидир.

Мамлакатимиздаги бугунги сиёсий-ислоҳий жараёнлар ва сиёсий-ислоҳий жараёнлар ҳақида муносабатларини мувофиқлаштириш механизминини ишлаб чиқиш вақти етди, деб ўйлайман.

Бизнингча, МОХ ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳуқуқларига ҳам бу вазифани ечиш топширигини бериш мақсадида мувофиқдир.

Халқларимиз, бугунги замон биздан ҳамкорлик ва минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантириш талаб этмоқда, деди Ислоҳ Каримов.

айрим аъзоларимизнинг иймон-эътиқодлари бўлиши ҳам билиниб қолди. Бунинг бир-иккита шундай аъзоларимизнинг Либерал демократик партияга ўтиш учун ариза тайёрлашга тушиб қолганларидан ҳам билса бўлади. Тўғри, қайси партияга аъзо бўлиш ҳар кимнинг ўзи иши. Лекин, ачинарлиси, улар бунинг сабаби ўз хоҳиши эмас, балки кимнингдир топширигини бажаришга мажбур бўлаётганларини баҳона қилишмоқда. Энди ўйлаб кўрамиз, кимнингдир илтимоси, ваъдаси ёки топшириги билан ўз эътиқодини ўзгариётган одамдан нимани куттиш мумкин? Бундайларга суъяниб бўладими?

Давр ўзгаради, тараққийёт, сиёсат ўзгаради, аммо эътиқод ўзгармасдир. Бу мулоҳаза кимнингдир фикри ҳақида шўро даври ва сиёсатини келтириши мумкин. Биз бир асоси — миллий мустақиллик даври ва инсонпарвар, халқпарвар сиёсатини, инсоний гоёлар истиқболлигини назардан қочирмаслигимиз керак.

Партиялар ўртасидаги муқобиллик, рақобат ҳалол рақобат асосига таяниши керак эмасми?

Партиялар, хусусан ХДП фаолиятига билдирилаётган эътирозларда менинг, сизнинг «ҳиссамиз» қай даражада? Бугун шундай назар билан ўзимизда масъуллик ҳис этишимиз шарт. Сиёсат майдонида киммиз, деган саволни ҳар биримиз ўзимизга, қолаверса, атрофдагиларга беришимиз, обдон ўйлашимиз, мулоҳаза билан ҳулоса чиқаришимиз зарур.

«Сен сиёсат билан шуғулланмансан ҳам сиёсат сен билан шуғулланмади». Мантиқ-мазмун билан ўз ҳаётини иш-ботини толган ҳикматли бу ҳулоса бугунги замон кишидан хушёрликни, сергакликни талаб қилмайдими. Биз бой миллий тарихига эга бўлган халқимиз. Тарихий мерослар қатидан «давр сиёсатининг қурбони» деган мудҳиш битикларга дуч келмаганмизми? Биз сиёсатни эмас, сиёсат бизники бўлмоғи керак ёки бошқача айтганда давлатимизга ҳам, халқимизга ҳам ҳеч

қандай сиёсат эгалик қилолмастлиги лозим. Чунки биз ўз сиёсатига эга халқмиз, ўз сиёсатига эга давлатимиз.

Ҳисобот-сайлов йиллигида сўз олган Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи, вилоят Кенгаши депутати Мавлонжон Жабборовнинг қулоғи айтган қуориданги фикрлари иштирокчиларни бефарқ қолдирмади, назаримизда.

Билдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, худудий партия ташкилоти котиблигига янги номзод кўрсатилди ва овозга қўйилди. Партиядошларимиз ўзларига Миллий банк вилоят бўлими бош мутахассиси Улуғбек Пулатовни етакчи этиб сайладилар. Утган ҳисобот даврида худудий партия ташкилотига етакчилик қилиб келган Б.Бобохонов котиб ўринбосари этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиллигида иштирок этган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева галдаги вазифалар, айниқса, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишда партиявий фаолликни таъминлаш масалалари тўғрисида гапирди.

6 минг 700 дан зиёд партия аъзосини 230 та худудий ва бошланғич ташкилотлар орқали ўзига бириктирган Наманган вилоят партия кенгаши ўз худудидagi охириги ҳисобот-сайлов йиллигида биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева галдаги вазифалар, айниқса, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишда партиявий фаолликни таъминлаш масалалари тўғрисида гапирди.

«Сен сиёсат билан шуғулланмансан ҳам сиёсат сен билан шуғулланмади». Мантиқ-мазмун билан ўз ҳаётини иш-ботини толган ҳикматли бу ҳулоса бугунги замон кишидан хушёрликни, сергакликни талаб қилмайдими. Биз бой миллий тарихига эга бўлган халқимиз. Тарихий мерослар қатидан «давр сиёсатининг қурбони» деган мудҳиш битикларга дуч келмаганмизми? Биз сиёсатни эмас, сиёсат бизники бўлмоғи керак ёки бошқача айтганда давлатимизга ҳам, халқимизга ҳам ҳеч

қандай сиёсат эгалик қилолмастлиги лозим. Чунки биз ўз сиёсатига эга халқмиз, ўз сиёсатига эга давлатимиз.

Ҳисобот-сайлов йиллигида сўз олган Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи, вилоят Кенгаши депутати Мавлонжон Жабборовнинг қулоғи айтган қуориданги фикрлари иштирокчиларни бефарқ қолдирмади, назаримизда.

Билдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, худудий партия ташкилоти котиблигига янги номзод кўрсатилди ва овозга қўйилди. Партиядошларимиз ўзларига Миллий банк вилоят бўлими бош мутахассиси Улуғбек Пулатовни етакчи этиб сайладилар. Утган ҳисобот даврида худудий партия ташкилотига етакчилик қилиб келган Б.Бобохонов котиб ўринбосари этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиллигида иштирок этган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева галдаги вазифалар, айниқса, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишда партиявий фаолликни таъминлаш масалалари тўғрисида гапирди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Муносабат

ҲОКИМЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Яқинда иккинчи қаҳриқ Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари XVI сессиясида мамлакатимиз Президентини вилоятда кўзбўйамчилик, ошна-оғайничлик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик авж олиб кетганлиги ва унинг салбий оқибатлари хусусида алоҳида тўхтади. Шунингдек, у ўз нутқида қонун олдига ҳамма тенг эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтди. Ҳоким ҳам, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа раҳбарлар ҳам, энг аввало, қонун доирасида иш қўришлари ва қонунни ҳурмат қилишлари шартлигини ўқирди.

Афсуски, вилоятнинг собиқ раҳбари қонун олдига ҳамма тенг эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтди. Ҳоким ҳам, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа раҳбарлар ҳам, энг аввало, қонун доирасида иш қўришлари ва қонунни ҳурмат қилишлари шартлигини ўқирди.

Афсуски, вилоятнинг собиқ раҳбари қонун олдига ҳамма тенг эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтди. Ҳоким ҳам, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа раҳбарлар ҳам, энг аввало, қонун доирасида иш қўришлари ва қонунни ҳурмат қилишлари шартлигини ўқирди.

ган баҳона билан эътиборсиз қолдириди. Хаттоки, бизга жавоб беришни ҳам ўзига эп кўрмади. Муаммо ёки бирор тақлиф билан унинг олдига киришдан кўра Эверест чўққисига чиқиш осонроқ эди.

Ортбошимиз ҳокимларнинг маҳаллий кенгашлар депутатлари олдига ҳисобот беришлари зарурлигини ўқтирар экан: — Шундагина, балки ҳокимларнинг хатолари камроқ бўлармиди, улар халқ олдига жавобгарлиқни кўпроқ ҳис этармидилар... — дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳокимлар маҳаллий кенгашлар депутатлари олдига ҳам, умуман халқ олдига ҳам қонун нуктаи назаридан ҳисобдор эмаслар. Чунки депутатлар шаҳар, туман ҳокимларини вилоят ҳокими таъсисига асосан тасдиқлайдилар, холос. Бунинг устига улар шаҳар, туман кенгашларининг раислари ҳамдирлар. Бу ҳолатда қандай қилиб уларнинг ҳисоботларини эшитиш мумкин? Улар бунга йўл қўяришми? Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимизни баён этмоқчиман.

Биринчидан, ижро ҳокимияти (ҳокимликлар) ва маҳал-

лий кенгашлар фаолиятини алоҳида-алоҳида қилиб ажратиш вақти етмадимикан?


Иккинчидан, ҳокимларнинг тегишли маҳаллий кенгашлар сессияларида ҳисобот бериб туриши тўғрисидаги қонуний талабларнинг амалда бажарилиши таъминланишига эришмоқ зарур, деб ўйлайман.

Ҳоким, ҳоким ўринбосарлари ва бошқарма бошқликларининг ҳисоботларини нафақат вилоят кенгаши сессиясида, балки комиссиялар йиғилишларида ҳам эшитишни талаб қилганман. Афсуски, вилоятнинг собиқ раҳбари бунинг сиёсий масала, демократия учун муҳим қадам эканлигини тушуниб етмади.

Лекин ўзини Либерал-демократик партиясининг аъзоси, демократ деб ҳисоблаб юрарди...

Умид қиламизки, янги раҳбар бу хатоларни такрорламайди, сиёсий партиялар билан муносабатда халқнинг манфаатини ўйлаб, демократик тамойиллар асосида иш тутайди.

Ҳамро ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати



М. ҚОДИРОВ (ЎЗ) оғзини суғат

РИШТОН СОПОЛЛАРИ

Ривоятларга қараганда Риштон қулоччилиги саккиз асрлик тарихига эга. Қуллолар тайёрлаётган буюмлардаги бўёқлар худди қадимда қилингандек тоғ ўсимликлари қайнатмасидан олинади. Уста Одилжон Негматов кўза ёки бошқа буюмлар ясаётганда лойга ўз юрагининг бир бўлагини ҳам қўшиб қорийди. У тайёрлаётган сопол буюмлари нақшининг нафислиги, рангларининг жиҳоси, манзараличилиги билан ажралиб туради.

Суратда: қулло Одилжон Негматов.

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРТИБИ ВА ЕЧИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МУАММОЛАР

Иқтисод ва ислоҳот



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ САРИ

ШУ ЙИЛ 16-17 ИЮНЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА МАЗКУР
ТАШКИЛОТНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Банк соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор жиҳатларидан бири оқилона банк назоратини амалга оширишдан иборат. Шу сабабли, самарали банк назорати тизими иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган асосий омил эканлигини ҳисобга олиб, Марказий банк томонидан банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шу тариқа бунда банк тизимини амалга оширишнинг янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шу тариқа бунда банк тизимини амалга оширишнинг янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шу тариқа бунда банк тизимини амалга оширишнинг янада такомиллаштириш назарда тутилган.

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган — тартибга солиш меъёрларини қўллаш амалиётидан фойдаланиш бўлади. Иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқи қилиши мумкин.

Иқтисодиётда давлат аралашувининг қисқариши ва молиявий муносабатларни эркинлаштирилиши барқарор пул-кредит тизимини ривожлантиришга имконият туғдиради. Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтиш даврида ва шакланган бозор иқтисодиётида кучайиб борувчи рақобат, ўзгарувчан баҳолар шариотида банк хавф-хатарлари ва нобарқарорлик кучайиб боради. Бунинг асосий омилларидан бири — банк-молия тизимининг бир неча йирлик банкларга асосланганлиги бўлиб, йирлик банкларнинг бир вақтинчи ўзда банкрот бўлиши миллий иқтисодиётга жиддий зийн етказишига, тўлов тизимининг издан чиқишига, пул тақлифининг кескин қисқаришига олиб келади.

Мазкур ҳолатлар банк фаолиятини тартибга солишнинг амалий аҳамиятини янада оширади. Банк тизимини тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш орқали умумий нобарқарорлик даражасини пасайтириш мумкинлиги-банк фаолиятини тартибга солиш зарурлигидан далолат беради.

Банк тизимида амалга оширилган ислохотлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги ислохотларга нисбатан

бирмунча жадалроқ суръатлар билан рўй берди. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Исмоил Каримов шундай дейди: «Ўзбекистоннинг банк тизими вужудга келиши ҳақида гапирсак, бу — иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган соҳаси, ислохотлар яққол сезилаётган соҳа эканлигини айтиш керак». Шу билан бирга, ҳар бир давлат тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб туришга алоҳида аҳамият беради. Турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг турлича механизмлари қўлланилади. Шунингдек, ташкилий ёндашувлар ҳам хилма-хилдир.

Ҳозирги шароитда бундай тартибга солиш, энг аввало, бутун иқтисодиётнинг барқарорлиги манфаатларини кўзлаб банклар операциялари устидан назорат қилиш билан боғлиқ масала. Бундан ташқари, турли мамлакатлардаги назорат органларининг тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимлари муҳим ўқшаш жиҳатларга эга ҳақда бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Жойларда текширишлар ўтказиш мумкинлиги, уларни тез-тез ўтказиб турилиши ва қамрови, дистанцион назорат тизимлари, назорат доирасида тақдим этиладиган ҳисобот турлари ва таркиби, ахборотнинг бошқа манбаалардан фойдаланиш имкони борлиги, техника билан жиҳозланганлик даражаси шундай омиллар жумласига кирида.

Банк назорати, том маънода айтганда, ҳукумат томонидан молиявий мажмуани барқарорлаштириш, ахиллиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадига фойдаланувчи мажмуа демакдир. Самарали банк назоратини амалга ошириш мақсадидан назорат органлари ўз олдларига барча иқтисодий сибсат лойиҳалари, ҳамда банклар фаолиятини назорат қилиш бўйича жавобгар ҳисобланган органлар томонидан тан олинган вазифаларни қўйган бўлишлари керак. Барча банк назорати мажмуининг олдига турган икки муҳим вазифани айтиб ўтиш жоиздир, булар:

— Банк секторининг мустақамлиги ва барқарорлигининг кафолати, иқтисодий ўтишга қўмаклашиш нисбатан

— Уш маблагларини банкка қўйган омонатчилар манфаатини ҳимоя қилиш.

Омонатчилар манфаатини ҳимоя этиш, банкларда мавजूд бўлган таваккалчилик даражасини мустақил равишда омонатчилар томонидан баҳолаш имконияти ва маъсулиятининг мавजूд эмаслиги сабабли зарур ҳисобланади. Унда омонатчининг биргина банкка бўлган ишончини йўқотиши бутун банк соҳасига қўлган ишончини йўқотишига олиб келиши мумкин. Ва бундай бўлган тақдирда, бутун бир системани кучсизлантириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Дарвоқе, банк назоратининг яна бир муҳим вазифаси — ички банк секторидан рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш бўлиб, бу билан йирик иқтисодий салбий ўзгаришлар олдидан олишидир. Бундан ташқари, банк секторининг яна бир вазифаси — банк сектори фаолиятини самарасини ошириш, ҳамда иқтисодий амалиётларни ўтказишда барча мижозларга бир хил муносабатда бўлишдан иборатдир. Назорат органлари олдига яна бошқа муҳим вазифалар туриши, ammo уларнинг аҳамияти — биз юқорида айтиб ўтганимиздек бўлмаслиги мумкин.

Лекин бугунги кунда тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қанча муаммолар мавजूд. Жумладан, активларни классификация қилишнинг мавजूд тизими етарли даражада ишлаб чиқилган эмас. Кўпчилик банкларда мuddатда қайтарилмаган активлар салмоғи ортиб бормоқда. Ҳў навбатда ўшбу муаммоли активлар заҳисидан керакли микдорда юзасига ташкил этилмаган. Бундан ташқари, қарз олувчи ўзининг ҳукумат томонидан кафолатланган мажбуриятларини бажармаган тақдирда кафолатловчи ҳам ўз мажбуриятларини бажармапти. Бундан келиб чиқиб, ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлар ҳам оддий кредитлар сифатида классификация қилиниши лозим.

Азизхон ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши академияси
тнглалочиси

Жаҳонда дунёвий аҳамиятга эга халқро мақомдаги ташкилотлар, жамғармалар кўп. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, НАТО, Араб давлатлари лигаси, ОПЕК (нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) ва ҳоказо. Улар қаторига Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ҳам қўшилганга мана уш йил бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики, дунё давлатлари йирик-йирик ташкилотлар тузиб, ўзaro манфаатли алоқалар ўрнатидек устувор вазифани олдларига қўйиб, бирлашмоқда. Бу дунёда глобаллашув жарёни изчил давом этганининг бир кўриниши албатта. Келажақда бутун дунё давлатлари халқлари бир мақсад йўлида бир ташкилотга бирилиши, ҳаёт кечирса ажаб эмас.

Маълумки, бу ташкилот 2001 йил 14-15 июнь кунлари «Шанхай бешлиги» (Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Ҳитой ва Тожикистон) базасида ташкил топан. Аслида «Шанхай бешлиги»га 1996 йили асос солинган бўлиб, чегара ҳудудларида ҳарбий соҳада ўзaro ишончни мустаҳкамлаш, чегарада қуроли халқларни қисқартириш (1997 йил) Битимларига кўра фаолият юритарди.

ЧЕГАРА ДЕВОР БИЛАН ЎРАЛМОҚДА



Корея Халқ Демократик Республикаси, Ҳитой Халқ Республикаси билан чегарадош. КХДР айнан шу чегарага 2,7 метр баландликда девор қуришувни бошлади, дея хабар беради Жанубий Кореяда чоп этиладиган Dong-A Ibo наشري тарқатган мабалага асосланиб AP агентлиги.

Ҳозир чегара атрофидаги Мусан ва Хвён шаҳарлари аҳолиси дароҳталарни кесиб, қурилиш хомашёси тайёрлашмоқда. Дарвоқе, деворнинг тепасидан эса тиклини сим тортилади. Деворни қуришдан мақсад, дейилади мабалада. Шимолий Корея бозорларини эгаллаб олган Ҳитойнинг арзон маҳсулотлари кириб келишига тўсик қўйиш.

Маълумки, XXI асрда, яъни дунё глобаллашув сари йўл олган бир пайтда чегараларни худди Исроилдагидек девор билан ўраш галати қуриниш касб этади. Хайратки, жаҳон жамоатчилиги ара-лашувидан сўнг Исроилдаги, аниқроғи, Фаластин ҳудудларида тикланаётган «муҳофаза девори» қури-лиши тўхтатилди.


2001 йил 14-15 июнь кунлари Шанхайда бўлиб ўтган ташкилотга аъзо давлат бош-ликлари учрашувда Ўзбекистон Президенти ҳам қатнаш-ган. Бу ҳамкорликка Ўзбекистон ҳам қўшилган, ташкилот номи Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, дея ўзгартирилди ва унинг мақоми ҳам ўзгарди.

Ўзбекистоннинг асосий мақсади давлат-лар ўртасидаги ўзaro ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, яъни қўшничиликни таркиб топтириш ва ривожлантириш, минтақада тинчликни, ҳавф-сизлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлида ўзaro ҳара-катларни мувофиқлаштириш ва чўқурлаштириш, турли со-ҳаларда ўзaro манфаатли ва самарали ҳамкорликни қўлаб-қувватлашдан иборат қилиб белгиланди.

Аслида 25 та давлатни ўзи-га бириштирган Европа Иттифоқи ва умуман шунга ўхшаш ташкилотларнинг ҳам асосий мақсад-муддаолари ўзaro ҳамкорликни ривожлантириш эвазига хавфсизликни бартараф этишдан иборат. У ҳолда ШХТнинг ЕИдан фарқи нимада? Асосий фарқи шун-даки, ШХТ аввало унга аъзо 6 та дав-лат худуди халқлари манфаати йўлида ҳаракат қилади. Шу худуддаги халқлар-

нинг дунё сари интилишлари нун рўёбга чиқаради. Бундан ташқари ЕИга 25 та давлат аъзо бўлгани ҳолда унинг аҳолиси 455 миллион кишини ташкил этса, ШХТга аъзо дав-латлар аҳолиси эса 1 милли-ард 600 миллион кишидан иборат.

Тўри, халқро ташкилотлар мавқеи унга аъзо давлатлар аҳолиси сони билан ўлчанмай, балки ташкилот амалга оши-раётган ишлар салмоғига кўра белгиланади. Бироқ уша амалга оширилаётган ишлар аввало кимлар учун? Албат-та, халқлар манфаати учун. Демак, ШХТ амалга оширган ишлардан кўпроқ халқ манфа-атдор бўлади. Халқлар эса давлатларни ташкил этади. Яна шунчи мамнуният билан айтиш мумкинки, ШХТга қизи-қиш билан қараётган давлат-лар анчагина. Жумладан, Монғолия ва Афғонистон мам-лакатлари ташкилотга катта қизиқиш билдирмоқдалар. Улар Тошкент саммитида ку-затилиши сифатида иштирок этадилар. Агар улар ҳам таш-килотга аъзо бўлиб кириш иштиёқини билдирсалар, таш-



МАМЛАКАТДАН ЧИҚИБ КЕТИШМОҚЧИ

Афғонистонда фаолият юритаётган чегара бил-мас шифокорлар мамлакатдан чиқиб кетишга қарор қилиши. Уларнинг бундай қарорга келишига се-шанба кун Кобулдан 550 километр фарбда ташки-лотнинг 5 нафар аъзоси ўлдирилганлиги сабаб бўлди.

BBC News хабар беришича, «Чегара билмас шифо-корлар» халқро ташкилотининг 5 нафар аъзоси — икки афгон, бир нафар голланд, бир нафар норвегия-ли ва бельгиялик Toyota Land Cruiser автобилдида кетишаётган пайтда «Талибон» гуруҳи томонидан ўққа тутилган.

Шу кунларда Афғонистонда «Чегара билмас шифо-корлар»нинг 80 нафар хоржий ва 1400 нафар маҳал-лий аъзоси фаолият юритмоқда.

Сўнгги пайтларда улар Афғонистоннинг шимолий ва гарбий худудларида анча беҳавотир иш олиб бориша-ётган эди. Энди бу худудлар ҳам хавфли, дея тан олинди.

Йил бошидан бери халқро ташкилотлар ўзлари-нинг 21 нафар вакилидан айрилган.

килотдан манфаатдор халқлар янада кўпаяди ва нуфуси жи-ҳатидан БМТдан кейинги ўринга чиқиб олади.

ШХТ хали ёш. Асос солини-ганига энди уш йил бўляпти. Лекин шу давр мабояида у ташкилий жиҳатдан шаклланиб бўлди. Шу йил январда Пекин-да ШХТ Котибияти иш бошла-ган бўлса, Тошкентда ташки-лотнинг аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси фаолият бошлади. Электрон савдо-со-тиқ боҳжона ишларини сод-далаштириш, маҳсулот сифа-ти назорати ва транспорт ком-муникацияси бўйича ишчи гу-руҳлари тузилди. Наркотрафи-кага қарши кураш тўғрисида ҳўжжат қабул қилинди. Ҳўжма-ларнинг хавфсизлик идоралари ўртасида ахборот алмашину-ви кучайтирилди.

Ўзбекистон ШХТ аъзоси си-фатида самарали ва ижодий иш олиб бораётганини ШХТ-нинг ижроичи Котиби Чжан Да-гуан жаноблари ҳам «Халқ сўзи» ва «Нордондо слова» га-зеталарининг бош муҳаррири Аббосхон Усмоновга берган интервьосида алоҳида таъ-кидлаб ўтди. «Мамлакатингиз ҳукумати ва унинг ту-зилмалари ташкилотга кирувчи барча давлат-лар томонидан юксак баҳоланаётган ташаб-бусларни илгари сур-

моқда... Ҳозир Тошкентда иш-лаб чиқилган таклифларни амалга ошириш устида ишла-моқда» деди у.

Маълумки, шу ойнанг ўн олти ва ўн еттинчи кунда Тошкентда ШХТ саммити бўлиб ўтади. Унда ШХТ фао-лиятига баҳо бериш билан бирга келгусидаги ҳамкорлик-нинг асосий йўналиши ва ус-тувор вазифалари белгилаб олинади.

Тақрибдан аёнки, терро-ризмга қарши курашнинг са-марали ишларини бери унинг манбаларини йўқ қилдириш. Шунинг учун ҳам ушга кучга — терроризм, се-паратизм ва экстремизмга қарши курашиш учун иқтисо-дий соҳада ҳамкорликни ку-чайтиришга алоҳида урғу бе-рилади. Утган йил 23 сентябр-да ШХТга аъзо давлатлар ҳўкуматлари раҳбарлари то-монидан Пекинда қабул қилинган савдо-иқтисодий со-ҳада кўп томонлама ҳамкор-ликнинг яқин 20 йиллик дас-турини амалга ошириш бора-сида амалий қадамлар таш-ланади.

Демак, ШХТ кўча тўлмоқ-да, салмоқли ва салоҳиятли ишларга шитоб билан кириш-моқда. Бу дунёнинг глобал-лашув жараянида унинг ўз ўрни борлигини аналтади.

Алимқул СУЛТОН

ДЕПУТАТЛАР ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Белорусия парламентида муҳолифатдаги уч де-путат — Валерий Фролов, Владимир Парфенович ва Сергей Скребец ўтган пайшанбадан эътиборан очлик эълон қилган. Улар деврли бир ойдан бери қамоқда сақланаётган муҳолифатдаги депутат озод этилишини ҳамда октябрда бўладиган парламен-тай савулари олдидан республиканинг сайлов конун-чилигига ўзгартиришлар киритилишини талаб қил-моқдалар.

Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

ИРОҚДА ЭЛЧИХОНА ОЧМОҚЧИ

Қувайт ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад Аб-Сабоҳ берган мабалага асосланиб «Ал-Қа-Бас» газетаси хабар тарқатишича, мамлакат ҳўку-мати Ироқда элчихона очишга тайёргарлик кўрмоқда.

Базир Ироқ Президенти Қози Машал Аил ал-Яврий янги лавозим билан табриқлаб, унинг Ироқ барча давлатлар билан ўзaro алоқалар ўрнатиши ҳақида берган баёнотини қўлаб-қувватлади.

Яқин кунларда Қувайтнинг махсус делегацияси Бағдодда ташриф буроради ва элчихона joyлаша-диган бинони кўриб, ташкилий ишларни бажариб қайтади.

Эслайтиб ўтаимиз: Қувайт билан Ироқ алоқалари 1990 йилдан узилган. Ушанда Ироқ қўшинлари Қу-вайтга бостириб кирган эди.

Огоҳликка даъват

Ҳаётда инсонга хос умр ўткази-ш бахтига мушарраф бўлиш-дан, қазога ҳам инсонийликдан айрилиғи етиб келишдан табар-рурок фаилат йўқ. Афсуски, баъзи кимсалар шу гўзал қўба-дан махрум бўлиб, ёвуз кучга ай-ланиб кетадилар. Масалан март ойидаги отишма ва портлашлар-ни амалга оширганларни оддий қотиллар деб ўлайсизми? Асло. Бу, инсон боласи оннга сиймай-диган ваҳшийлик ва бутун хал-қка, миллатга қаратилган ўта гаразли, қабохатли қотиллик.

Ақл ва аҳлок мезонига солиб кўрилса, қабиҳ ниятли галамис-ларнинг ислом динини ниқоб қилиб олиб амалга ошираётган қонқўрликлар Аллоҳга шаккок-лик, ислом динини оёқ ости қилишдан бошқа нарсас эмас. Динда беминнат яхшылик, меҳр-муруват, маънавий камиллик, поклик, ахлокий оқсакчилик даъ-ват этилади. Динини ўлдириш ҳеч қайси оқимда йўқ.

Уша амирликни хаёл қилаёт-ган кимсалардан лоақал бирон-таси бирон бир етимга бошлана кўриб берганмикан, қаровчиси йўқ бирон муҳтожга бир қол ун улашганмикан, бирон маҳалла кўчасига элик метр асфальт ётқизганмикан, газ тушириб, сув чиқариб қўйганмикан? Шунчалик ҳиммат қўлидан келмаган ким-салар, нархоти, Ўзбекистон хал-қига бахт-саодат бера олса? Бунга ким ишонди?

Уларнинг назарий қарашлари ҳам гоят кулгили. Ута фирибгар-лик, масҳарабозлик ҳам бу да-ражада бўлмас. Тўри, қачонки, дину эътиқодинингизни поймол қилсалар эътироз билдириш мумкин. Ваҳоланки, бизнинг

Ўзбекистонимизда дин ва эъти-қод эркинлиги бош Қомусимиз-да кафолатланган ҳеч кимга сир эмас. Масжид ва мадраса-лар эркин фаолият кўрсатмоқ-да. Иқтидорли ёшларга чўқур ди-ний йилан бериш учун Марказ-ий Осиёда ягона Ислам уни-верситети очилди ва унга дав-латимиз томонидан кенг миқёс-ли ёрдам бериляпти. Дин намо-яндалари истган вақтда матбу-отларида чиқилар қилишяпти. Диний адабиётлар ниҳоятда гўзал ва нафис қилиб нашр этиляпти. Ҳўш, мана шулар диний эътиқод эркинлигини бўғишми? Қора ният-ли ёвуз кўчлар нима истайдилар ўзи? Юзма-юз баҳ-са ярамайдилар. Бузғунчилик-ка келганда суяги йўқ бўлиб ке-тишди. Улар Оллоҳнинг каломи Қуръонга ҳам тексари иш ту-тишдан тойишмаёттир.

«Улар Аллоҳни ва имонли кишилари аждамоқчи бўла-дилар ва ўзлари сезмаганла-ри ҳолда фақат ўзларинин-га алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз бор... Уларга: «Ер юзида бузғунчи-лик қилмаганлар» дейилса, «Биз — ислоҳ қилувчилар-миз», дейдилар. ...Огоҳ бўлингизми, уларнинг ўзла-ри тубан кимсалардир». («Ба-қара» сураси, 9-, 10-, 11-, 13-оят-лар). Ҳўш: «Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жа-зоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак» («Ба-қара» сураси 93-оят). Ҳўш, Тошкент шаҳрида ва Бухоро ви-лоятида кўпурчилик қилган

сохта диндорлар Қуръони Ка-римнинг юқоридаги оятларига қандай жавоб қилишаркан? Пайгамбаримизнинг Ҳадису муборақларига ҳам бир қулққ ту-тайлаик:

«Қайси бир мусулмон икки-чи бир мусулмон биродар-и бошига тиг қўтасра, Ал-лоҳу Таолонинг фаришта-лари то ўша тигни қайтариб ўрнига қўймагунча ляънат ай-тиб турарлар».

«Кишилорнинг ичда Ал-лоҳу Таолога ёқимсиз аша-дий душманлик қилувчи одамлардир». Ҳўш, галамислар пайгамбари-мининг бу сўзларига нима дей-ишаркан? Ахир мусулмон мусул-монни ўлдириш у ёқда турсин, «Одамларнинг юзларига урман-лар» деб исломда таълим бе-рилади-ку. Аллоҳ сўзига кирма-га бандани, пайгамбар йўлига юрмаган умматни ким мўмин-му-сулмон деб айта олади ахир? Ақидапастларнинг яна бир такаббурликларидан назабага ке-ласан киши. Диний ислом йўли-да ота-оналардан ҳам кечиб юборишар эмис. Пайгамбарим-из: «Ота-оналарнинг хар иккисини ёки бири бўлмаган-да бошқасини рози қилиб жаннати бўлиб олманган фар-занд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин», деганлар-ку. Абрам исмли йигит ислом ди-

нини қабул қилиб мусулмон бўлади ва исмини ҳам Абдурах-мон деб ўзгартиради. Муҳаммад Мустафо жиҳодга ҳозирланаёт-ганларида зуҳрига Абдурахмон кириб, жиҳодга эми сурайдди пайгамбаримиз эса:

— Отангнинг розилигини ол-масан сенга жиҳод жоиз эмас, — дейдилар.

— Отам кофир бўлсаю қандок изим беради, — дейди Абдурах-мон.

Энг аввало, амалий ҳаракат ке-рак. Кўчанамизда нотанишлар пай-қод бўлса бепарволик, дарвоза-мизни тақиллатган тоғни урса та-лқон қиладиган тиланчи йигитни «сен кимсан?» дейишга торти-намиз, билантирмай санимизга кириб олиб ҳаммамизни озгага қаратган «сўхондонга» сеҳрла-либ, иккава қулломимизни түтиб берамиз. Мақтабларимиз, ши-фохоналаримиз, бочгаларимиз, идораларимизда навбатчилик шунчаки расмиятчилик учундай.

«Мен тинч, сен нима бўлсанг бўлавер» қабилида яшаш инсо-нийликка тўғри келмайди. Оташ-нин ватанпарвар Юлиус Фучик: «Одамларнинг вазифасини адо қилиш учун мард юрак керак. То одамларнинг ҳаммаси чинакам инсонлик даражасига етмагунча бу юрак уршидан тўхталмас-лиги керак», деганида ҳақ эди.

Бундоқ ақл юргизиб мушоҳа-да қилиб кўрайлик. Бухоролик Неъмат Разақов уйдаяди порт-лаш оқибатида тўққиз кишининг ёстиғи қуриди. Ҳўш, ўша хона-донда нима бўлаётганини, ким-лар кириб чиқётганини ҳеч ким билмаганми-қурмаганми? Чиндан ҳам галагироқмиз. Икки бозори муштлашаётган бўлса милицияни кутамиз. Қўшнимизникига ўғри тушса ми-

лиция келиши керак. Эр-хотин жанжаллашса суднинг иши. Од-дий ҳақ-ҳўққимизни ҳимоя қилинг, деб адвокатга ёлвора-миз. Қўйинг-чи, бунақа машма-шалар талайгина. Ҳўш, ўзимиз-чи, ўзимиз, нимами ҳал қиламиз?

Мана шу муаммолар ечимини осонроқ ҳал этиш мақсадида Президентимиз ўз-ўзини бош-қариш тизимини яратиб берди. Эндиликда маҳалла етакчилари маҳаллаларнинг хатмийҳўжаларини, тўй-томашларини, маърақао

сақ, қайси галамис жипс сафи-мизга кир оларди? Уша бепар-волик, лоқайдликмиз туфайли сафимизда озгина бўлса-да бўшлиқ қолдиришмики, бу ёвуз кўчларга имкон яратиб қўйил-моқда. Бу бўшлиқни фақатгина жипслашиб билан, мақсад ва гоғларимиз моҳиятини омма он-гига сингдириш орқали йўқотиш мумкин. Агарда фаолиятдаги барча сиёсий партиялар, жамо-ат ташкилотлари, уюшма ва бир-лашмалар, марказ ва жағгарма-лар, федерация ва асо-сациялар бир ёқдан беш чиқариб, бир муштга айлиниб, бир мақсад сари ин-тилсалар борми, ҳеч қандай гараз ниятли ёвуз кўчлар сафимизга яширинча ҳам кирол-майди. Бўшлиқ бўлмаса қаерга сийсин?

Уша ёвуз кўчлар хуруж қилиб, Тошкентда ва Бухоронинг Роми-тонда террорчилик ҳаракатла-ри содир этганида мамлақати-миз оммавий ахборот воситала-ри хабарларини қузатиб бордик. Матбуот халқимизни воқеалар тафсилоти билан саотма-соат таништириб борди, ҳеч нарсани яширгани йўқ. Баъзи бир хоржк ОАВ мухбирлари эса айноҳанос солишди. Қилдан қийқ ахти-ришди.

Москванинг айрим нашрлари уялмай-нетмай хатто Президент-мизга тўхмат қилишга бориб етди. «Исмоил Каримов ўш халқ-га мурожаат қилишга узок вақт-гача сўз тополмади», дея ўйди-рма тўқиди. Ахир Ўзбекистон-нинг 25 миллион аҳолиси воқеа содир бўлган кунинг төлвекран орқали ўз Президентининг даъ-ваткор, шижоат ва қатъиятли му-

ЛОҚАЙДЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

рожаатини кўрди, эшитди-ку. Барча газеталарда бу мурожаат босилди-ку. 25 миллион халқ эшитган, қурган нарсани тан ол-маслик, ёлғонга чиқариш бориб турган явғоварлик эмасми? Нима ҳам дер эдик, бутун халқ эшит-ган нарсани сиз эшитмаган бўлсангиз бизда нима айб?

Лекин шунчаки ҳолатларга дўч келганимизда ўзбек журналист-ларидан бироз гина қўлим қиливоради. Уша хоржилик ай-рим миш-мишчи мухбирлар билан юзма-юз баҳсга чиқадиган истеъдодли ўзбек журналисти йўқми? Улар-ку ёлғонни қўри-тириб шов-шув кўтараятган эканлар, уларнинг нашрлариди ёлғонни роз

Спорт

TLWAY TEXCO — ЎЗБЕКИСТОНДА

Малайзиянинг TLWAY TEXCO компанияси Adidas, Nike, Reebok, Lescosportif каби жаҳоннинг етакчи фирмалари лицензияси билан спорт кийимлари ишлаб чиқаради.

Шуни алоҳида айтиш керакки, малайзияликлар Осийнинг кўпгина давлатлари шаоитини ўрганиб, маркетинг талови ўтказди.

— Мамлакатингизда савдо алоқаларининг яхши йўлга қўйилгани ва спортга баъта эътибор берилганлиги боис ҳамкорлик учун айнан Ўзбекистонни танлади, — дейди TLWAY TEXCO компанияси директори жазор Рам.

Хадемай, мазкур кўшма корхонада спорт кийимлари ишлаб чиқарила бошлади ва мамлакатимиз бозорларини шу хилдаги сифатли махсулотлар билан тўлдирди.

Анвар САМАДОВ

Интер-спорт

ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИ...?

Бир hafta аввал бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBA) Константин Цзюни чемпионлик унвонидан маҳрум қилиши мумкинлиги ҳақида хабар тарқатган эди.

ФЕДЕРАЦИЯ ҚОНИҚИЯ

Сув спорт турлари халқаро федерацияси (ФИНА) вакиллари Афина Олимпиадасида сув спорти турлари бўйича мусобақалар ўтиши лозим бўлган иншоотлар тайёрлашдан кўнгли ҳис қилишди.

«Муамма олганда биз олимпия объектларининг техник ҳолати ва уларнинг ўйналаган тайёрлигини текшириш ҳис қилишди. Бизни нўқсонлар ҳам йўқ эмас, бироқ уларни Олимпиада бошлангунга қадар бартараф қилиш мумкин», — деди вице-президент.

«МАНИ МУШУКЧАМ, МАНИ БАЛИҚЧАМ...»

ЕНГИЛ-ЕЛПИ, МАЗМУН-МАТРАСИС, ҒОЯСИЗ... ЛЕКИН ХАЛҚҚА ТАҚДИМ ЭТИШГА МУНОСИБ КЎРИЛАЁТГАН «КЎШИҚ»ЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Инсон нега кўшиқ айтади, нега кўшиқ тинглайди? Кўшиқнинг сеҳру синоати, кучи нимада?

Кўшиқ инсон қалбини ром этиб эзгу ишларга бошлайди. Яхши кўшиқ инсон қалбида завқ ва ором беради, дилни поклайди, руҳни янгилайди, инсон қалбини тўлқинлантириб, меҳрини жўшқинлантиради.

Кўшиқ — халқнинг юраги, маънавий кўёфаси, мафқураси. Бугун кўшиқ кўп, санъаткор кўп. Аммо ўзини санъаткор ҳисоблаб, нималариндир кўшиқ деб юрганлар ҳам оз эмас.

Яқинда «Туркистон» саройида «Эстрада санъати — миллий маънавият кўзгуси» мавзусида Республика анъанавий илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари эстрада санъатини янада ривожлантириш, эъозлаш, номуносиб кўшиқлардан асраш куюниб фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Анвар ЖАББОРОВ, «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси Бош директор ўринбосари:

— Эстрада кўшиқчилиги бадий санъат тури сифатида умумхалқ мулкидир. Яъни, эстрада кўшиқчилиги қандайдир эрмак ёки кимнингдир овуңчоғи бўлиб қолмаслиги керак.

Шу ўринда бадий кенгашлар масъулияти, олий ўқув юрларида тайёрланаётган мутахассислар сифати ҳақида, афсуски, яна танқидий фикрлар билдиришга тўғри келади.

Кўшиқнинг миллий анъаналарга белисанд қарашини, китоб ўқиш маданиятининг йўқлиги унинг репертуарининг қашқоқ бўлиб қолишига сабаб бўлаётганини ҳамма билади.

Кўшиқчилик фақат шеърин матн, оханг (музыка) ва овоздан иборат бўлган санъат тури эмас. У либос, режиссура ва сахна маданияти деган тушунчаларни ҳам ўзида жамлайди.

Демак, бир мукамал кўшиқ ёки концерт дастури деганда биз бир неча санъаткорнинг ҳамкорлигидан вужудга келган ижодий мевани тушунамиз.

Миллий эстрада кўшиқчилигида устоз-шогирд муносабати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Афсуски, эстрада кўшиқчилигида бу ҳақда мақтасак аризулик ишларимиз кам.

Бундай вазиятнинг ҳамон ҳукм суришига менимча, жойларда ташкилий ишларни профессионал даражада ташкил этилаётгани сабаб бўлмоқда. Қолаверса, ёш кўшиқчилардан «юлдуз ясаш»

тамоилининг давом этаётгани қувонарли ҳодиса эмас.

Кўчкор НОРҚОБИЛ, шоир:

— Кўшиқ, яхши кўшиқ ҳеч қачон ўлмайди. Ёшу кескиннинг кўнглига бирдай таъбир қилади, худди муҳаббат кексаймагани, севги ўлмагани каби.

Юлдуз Усмонованинг яхши кўшиқлари қатори бир кўшиқини тинлаганда сел бўлиб кетаман. Санъаткорнинг шу кўшиғи айрим магнит тасмаларидаги на сақланиб қолган. Мазмун шундай: урушдан қайтмаган фарзандини она кўзи тўрт бўлиб кутаяпти. Анорлар ҳам пишиб, ёрилиб кетаяпти. Хавода меҳзонлар тортилан. Фарибина бўлиб, ўз қулбасида ёлғиз ўғлига зор-интизор турган қамининг тилидан айтилган шу кўшиқни эшитганимда, кўз олдимга ўз уйим, унда мени кутётган онам, боғимиздаги тарс ёрилиб кетган бағри қон анорлар гавдаланаверади. Кўшиқда драматизм ниҳоятда кучли.

Хозир айрим кўшиқларни эшитганимизда яқин ўзингизни қўярга жой топпай қоласиз. Мана, «Маржон» деган гуруҳ кўшиқ қилган бу сўзларга бир эътибор беринг:

Дудоғинда холинг йўқ, холинг қайда,

Жамолингда холинг йўқ, холинг қайда,

Дур лабингда холинг йўқ, холинг қайда,

Холинг қайда Холида, Холида...

Олинг сочили Холида, Холида, Холида,

Холинг йўқ, холинг қайда Холида...

Холида, Холида

Олинг сочили Холида

Холида, Холида,

Юрагинг қайда?..

Ох, худойим бачканалик ҳам зев биланда, деб дод солгинг келади.

Шуни шеър деб ёзган ошнамизнинг (тўғриги, исми-шарифини айтгим келмади) «шоир-лик даражасига баҳо бериб ўтириш шарт бўлмас керак.

Энди «Ниҳол» муқофотининг совриндор истеъдодли ҳисобланган Тоҳир Содиков айтиётган ва эфирга берилётган манави матнга эътибор беринг:

Яна тонггача, яна тонггача,

Мени кўзларим тўнғас,

Мани мушукчам,

Гўзалликда тенги йўқ

нозик қушчам...

Ёрни «мушукчам» деган шовво «шоирнинг» бу қурақда турмас ўхшамаларига нисом дейишнингизни ҳам билмай қоласиз. Кўшиқларимизда ёрни ой дедик, офтоб дедик, юлдуз дедик, гул дедик... Энди эса «мушук», «балиқча», «қушча» дейишгача бордик. Эртага бошқа бир жониворнинг номи билан айта беришимиз ҳам мумкин. Бу матнни кўзга чирт юмиб ўтказиб юборган «бадий кенгаш» кўшиқ янграганда

қулгоғига пахта тиқиб олдимкин, денарга йўга ҳам борасан киши...

Аҳмадхон РАҲИМОВ, «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси фестивал ва танловлар бошқармаси бошлиғи, санъатшунос:

— Бугун бир ҳақиқатни Ўзбек эстрада санъатида 1985 йилдан узилиш пайдо бўлганини очиб тан олишимиз керак. Бу узилиш Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров вафоти билан боғлиқ эди. У инсон орамиздан кеткандан сўнг, эстрада санъати худди қаровечисиз қолган боғга ўхшаб қолганди. Уша узилишни тўлдирishi осон кечмаётти. Нимага бугун бу аччиқ сўзларни айтишга мажбур бўлмоқдамиз. Нимагаки, Ботир Зокиров ўз даврида бу соҳада бўлаётган ҳар бир ишга бош-қош эди.

Эстрада тарихида Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Икром Акбаров, Энвар Солиҳов, Тамирқошиқ, Муҳиддин Қориев ўзбек кўшиқчилигининг бу соҳасига асос солган санъат усталари эдилар. Бугунги ёш хонандалар тушунчасида эса эстрада гўё улардан бошланаяпти. Улар ҳақиқий эстрада режиссура санъати, хореография ва сахна безаклари билан боғлиқ эканини юракдан ҳис этолмайдилар. Энг ёмони хозирда «Биз ўз кўшигимизни айтиб олайлик, кейин бир гап бўлсин», — деб ўйлайдилар.

Вақоланки, эстрада булардан четлашган раванк топа олмайдди. Эстрада режиссёрининг маҳорати қачонки, у концертнинг пластик ечимини, хонанданинг сахна либосларини ва унинг безакларини ва чироқ эффектиларини бадий қовуштириб кўшиқнинг ғоясини ечанг тақдирдагина очилади.

Утган бир йил давомида пойтахтда бирин-кетин эстрада хонандаларининг концерт дастурлари бўлиб ўтди.

Бу концертларнинг баъзиларидан мухлисларнинг кўнгли тўлган бўлса, баъзиларидан тўлмади. Ўзбекистон халқ артистлари Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нилуфар Раҳमतовадан концерт дастурлари мухлислар кўнглини хушнуд эта билди.

Чуқри уларда табиати, инсонни ва она маконини асраш ва улуглашга ундоғчи мушуклашган ва театрлашган дастур янгради. Бунда албатта, режиссёрнинг хизмати бекиёс даражада қатъий бўлди. Лекин айрим кўшиқлар мазмун сазёлиги, рақоларда мазмун маҳумлиги сезилиб қолди. Ахир рақс «сўзсиз кўшиқ»ми? Бу албатта, шу дастур режиссёрларининг камчилиғи эди.

Нодира ОМОНОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси аспиранти:

— Музыка маданияти тарихи ривожини қузатар эканмиз, поп-музыкаси нафақат жаз музыкаси, балки қарийб барча музикаий жанрлар билан боғлиқ ҳолда раванк топади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, поп-маданияти тушунчаси жаҳон музика маданиятида эстрада му-

зикасига нисбатан қўлланилишини қузатамиз.

Демак, поп-музикаси тушунчаси энгил, чуқур фалсафий мазмундан йироқ бўлган куй ва кўшиқларга нисбатан қўлланилади. Ҳар бир даврнинг омма-лашган, ўзбекона қилиб айтганда «халқнинг озгига тушган» кўшиқ ва куйлари бўлади.

Хозирда жаҳон эстрада музикаси икки асосий йўналишда ривожланиб бормоқда: рок-маданияти ва поп-маданияти. Рок-маданияти тушунчаси рок-музикасининг барча оқим ва йўналишларини ўз ичига қамрайди. Поп-маданияти тушунчаси эса, поп-музикасининг барча оқимларидан тортиб, диско, рэп, техно, хип-хоп, реттэй ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўзбек эстрада музикасида поп услуби, поп-фольк услуби, хип-хоп услуби ва Ғарбнинг поп-рок йўналишларида кўшиқ куйлаётган хонандаларимиз ҳам бор. Бу яхши албатта.

Бизнингча, эстрада сахнасига қадам қўяётган ҳар бир ижрочи, албатта, музикаий маълумотга эга бўлиши шарт. Эстрада узлабларининг келиб чиқиши, тарихи ва назариясини чуқур ўрганишлари лозим.

Гулчеҳра УМАРОВА, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири:

— Радио-телевидение орқали берилаётган кўшиқларга талабни янада қучайтириш керак деб ўйлайман. Ҳатто, катта концерт залларида ҳам кеча миниаторларда, ҳазил кўрсатуларда чиқиб юрганлар, эстрада кўшиқчиси сифатида яққол хонанда бўлиб концертлар бериб ётишди. Дастурлари меҳмони сифатида машҳур санъаткорларнинг тақлиф қилиб қўйиб, бу ёғига ўзларининг ҳеч кимнинг назоратидан ўтмаган репертуарларини намойиш қилишяпти.

Телевидение 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма кўради. Шу боис, эстрадаларининг ўзи ҳақида махсус кўрсатулар ташкил этиб, мутахассислар жаҳон эстрадасининг кўзга қўрилган вакиллари, ўзининг эстрада юлдузларимиз ҳақида, уларнинг ижро услублари борасида профессионал тилда тушунча беришлари лозим деб ўйлайман. Тижорат радио-телевидение каналларида бериладиган кўшиқлар ҳам бадий кенгаш назоратидан ўтса яхши бўларди.

Яна бир гап, ҳар бир хонанданинг катта концерт залларида дастурлари жиддий таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликларини аниқ қўрсатиб берилса, айни мудоао бўлур деб ўйлайман.

Ирода ДАДАЖОНОВА, Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, санъатшунослик фанлари номзоди:

— «Шоу-бизнес» муаммолари ҳақида гапиришдан аввал, бизда асли «шоу-бизнес» мавжудми деган савол қўнда-

ланг келади. Турган гапки, Ғарб тафаккуридаги ва бизнинг тушунчасидаги «шоу-бизнес» ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Ғарб «шоу-бизнеси» ўз даромадининг катта қисмини артистнинг альбому сотуvidан олади. Бизда эса хонанда музикаий альбомидан даромад кўрмайди. Овоз ёзиш студияларимиз заиф, Ғарбдагидек, янги овозлар тарғиботи учун пул тика олмайдилар. Хонандаларимизнинг катта қисми асосан тўй-ҳашамлар ҳисобида тирикчилик қиладилар. Бу эса жаҳон «шоу-бизнеси» амалиётига тамомила зид.

Музика хозир ижодиёт эмас, балки конвейер бўйлаб ҳаракатланаяпти. У ниҳоятда осонлик билан ижодиётдан бизнесга айланди-қолди. Бизнесда муҳими — самарадорлик, яъни қисқа вақт мобайнида минимал харажатлар билан катта даромад олиш. Худди шу йўлни санъатга ҳам татбиқ этиш оқибатида технологияга айланган музика қалбларини қашшоқлаштириб бормоқда.

Тараққиёт шу даражага бориб етдики, ижрочилар сахнада эга овозлари билан эмас фақат «фанера» билан ишайдилар бўлидилар.

Хозирги ёшлар айни пайтда мумтоз кўшиқлардан кўра эстрадага кўпроқ қизиқмоқдалар. Буни бугун ижор этиб бўлмайди ва қолаверса, бу айб ҳам эмас. Аксинча, бу ҳолатни бугунги ёшларнинг маънавий эҳтиёжлари, қарашлари деяр қабул қилишимиз керак. Бироқ ҳеч кимнинг мазмун-матрасасиз кўшиқлар концерт дастурлари, радио, телевидение орқали айтишга ҳаққи йўқ.

... Ушбу мақолани ёзаётган радиодан хонанда Самандар Ҳамроқуллов ва WS гуруҳи айтган кўшиқларини эшитиб қолдим:

Габаржуба қалей, отдыхай,

но не болей

Мы начинаем эту песню,

қани бўл...

И болдеут кизлар,

Потому что кизлар

Харакатчан қора кўзлар.

Бу кўшиққа (агар уни кўшиқ деб бўлса!) изоҳнинг ҳожати йўқ, назари-мизда.

Яна бир муҳим жиҳати, истеъдодларини юзага чиқариш учун ёшлар албатта профессионал маҳорат мактабини ўташлари керак. Яна бир тоифа ёшлар борки, улар санъатга фақат тирикчилик манбаи сифатида қарашади.

Қолаверса, бундай ёшлар ўз вақтида бошқа касб-корни эгаллаганлари маъқул, эмасмикин? Чуқри кўшиқчилик томорқа эмас, санъатга, халқнинг, миллатнинг маънавий мулки, у ситимлайди. Бу мулкни кўз қорачиғидай асраб, келгуси авлодларга соғлигини, миллийлигини сақлаб етказишимиз лозим эмасми?

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,

«Ўзбекистон овози» муҳбири

«РИШТОН ТЕКС» ОАЖ ЭМИССИЯ РИСОЛАСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ

Table with 2 columns: Эски тахрир, Янги тахрир. It details amendments to the 'Rish-ton Text' OJSC prospectus, including changes to share amounts and company information.

ҲУРАТЛИ ИШЕИЛАРМОСИ ВА ТАДИРКОР ЖАНОБЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2004 йил 8,15 июль кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйиладиган объектлар қўйилади: Бухоро вилояти, Жондор туманида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёниги қўйиш шаҳобчаси.

Ҳикматли сўзлар маъноси

ОРСИЗ ТУРМУШДАН — ОРЛИ ЎЛИМ ЯХШИ

Ориятсизлик, юзсизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик, виждонсизлик энг ёмон инсоний иллатлардан саналади. Халқ ўзининг бир қатор мақолларида бундай одамларни ланъатлайди, уларнинг асл башарасини, ёқимсиз, ботимсиз хатти-ҳаракатларини, фель-авторини очиб ташлайди, мазаҳ қилиб, захарханда билан қулади, уларга яқин юрмаслиқни маслаҳат беради.

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2004 йилнинг 6,9,13,16,20,23,27,30 июль ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 август кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар ҳудудига яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қўйиладиган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйиладиган. Ақмад Икромов тумани: — Зарафшон 6-ўтар қўчасида, майдони 0,04 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 672 000 сўм; — Маҳорат қўчасида, майдони 0,01 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 114 000 сўм; — Мирзо Улугбек тумани: — Пилла қўчасида, майдони 0,01 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 196 000 сўм; — Устабев қўчасида, майдони 0,0085 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 209 100 сўм; — Шайхонтоҳур тумани: — Лабзак маҳалласи, Шоҳиди Тезга қўчасида, майдони 0,04 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 480 000 сўм. Шунингдек, Ҳамза тумани, Слонима қўчаси 113-уйда жойлашган «Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежи»нинг 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АД 725 бўлган «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси, 549 269 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Vertical sidebar containing various advertisements and notices, including 'BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV', 'TAHRIIR HAY ATI: Abdulla ORIPOV', and '10111 nusxada hisoliddi'.